

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил октябрь ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туман суди, Оққўрғон тумани, “С.Рахимов” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик, сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья Ж.Саидов,

судья ёрдамчиси М.Қўчқоровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилояти Оққўрғон тумани прокурори иш ўрганувчи ёрдамчиси Ф.Халматов, гумонланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми ва 140-моддаси 1-қисми билан гумонланган:

[REDACTED]
[REDACTED] -19 [REDACTED] йил [REDACTED] январда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, тадбиркор, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] кўчаси рақамсиз уйда яшовчига нисбатан 1-1109-1901/90-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Суд тарафларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб ва уларнинг кўрсатувларини тинглаб ҳамда давлат айбловчисининг фикрини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов жараёнида тўпланган ҳужжатларга кўра, 2019 йил 23 июнь куни Оққўрғон тумани “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] кўчаси рақамсиз уйда яшовчи [REDACTED], Оққўрғон тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, у ўз аризасида 2019 йил 23 июль куни соат тахминан 22-30 ларда турмуш ўртоғи [REDACTED] уйига маст ҳолда келиб, уни ҳақоратлаб, уриб тан жароҳати етказганлигини маълум қилиб, турмуш ўртоғи [REDACTED] га нисбатан қонуний чора кўришликни сўраган.

Мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатларини ИИБ ХПБ профилактика инспектори лейтенант [REDACTED] томонидан олиб борилиб, фуқаро [REDACTED] га нисбатан тайинланган судга оид тиббий экспертизасининг 2019 йил 27 июнь кунидаги 422-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] ни суд-тиббий экспертиза текширувида ва тиббий маълумотномаларда аниқланган чап кўз ташқи бурчагидаги шилинмаси, ўнг кўз пастки қовоғидаги, бўйин соҳаси ўнг томонидаги, ўнг елка камари олдинги юзасидаги, чап елка камари олдинги

юзасидаги қонталашлар, чап кулоқ супраси орқа юзасидаги қонталаш, чап оёқ панжа олдинги юзасидаги шилинмаси бош энса соҳаси чап томонидаги шиши, шиш марказидаги шилинмаси, чап қўл панжа олдинги юзасидаги шилинмаси, юқори лаб ички шиллик қавати чап томонидаги, пастки лаб ички шиллик қавати ўнг томонидаги қонталашлари қандайдир қаттиқ тўмтоқ жисмтаъсирида кўриқдан ўтувчи кўрсатган вақтда олинган бўлиши мумкинлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси белгисига кўра, соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлмаган енгил тан жароҳати тоифасида баҳоланиши аниқланган.

Судга оид тиббий экаспертизасининг 2019 йил 24 июнь кундаги 423-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] суд тиббий экспертиза текширувида аниқланган энгак соҳаси ўрта қисмидаги, бўйин соҳаси чап томонидаги, кўкрак қафаси олдинги юзаси тўш устки соҳасидаги қорин олд девори чап ва ўнг сон соҳасидаги, кўкрак қафаси орқа юзасидаги шилинмалари қандайдир қаттиқ тўмтоқ жисмтаъсирида кўриқдан ўтувчи кўрсатган вақтда олинган бўлиши мумкинлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси белгисига кўра, соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлмаган енгил тан жароҳати тоифасида баҳоланиши кўрсатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан профилактика инспектори [REDACTED] фуқаро [REDACTED] ларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар бўйича уларни ҳар иккисига ҳам Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштириб, қонуний қарор қабул қилиниши учун тўпланган ҳужжатлар 30.06.2019 йил кунини Оққўрғон туман маъмурий судига юборилган.

Оққўрғон туман маъмурий суди судьяси томонидан иш ҳужжатлари кўриб чиқилиш давомида фуқаро [REDACTED] 2018 йил 3 август кунини Оққўрғон туман маъмурий судининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузалик содир қилганлиги сабабли, МЖТКнинг 33-34 моддаси талаблари асосида ҳар бир ҳуқуқбузарлиги учун энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида 92.150 сўм жарима жазоси тайинланганлиги аниқланиб, фуқаро [REDACTED] томонидан содир этилган мазкур ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такроран содир этилганлиги учун уни ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли тўпланган ҳужжатлар туман ИИБга қайтарилган.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми ва 140-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган.

Суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED] дастлабки тергов даврида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда у [REDACTED] билан ярашганлигини, унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ

бартараф этганлигини, ярашув ихтиёрий равишда, бирон-бир тазйиклар бўлмаганлигини, ҳозирда [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, гумонланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гумонланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, жабрланувчидан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни бартараф этганлигини, жабрланувчи [REDACTED] ни унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини айтиб, суддан ярашувни тасдиқлаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-Процессуал, Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 66¹-моддаси киритилган қоидаларга мувофиқ, яъни мазкур моддада таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бир қатор моддаларида, шу жумладан 109-моддаси 1-қисми ва 140-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин дейилган.

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтилган қонун билан тўлдирилган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмида жабрланувчи Жиноят кодекси 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, гумонланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги” 27-сонли Қарорининг 10-бандида кўрсатилишича “Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу ҳуқуқий институт фақат ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ҳамда Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жабрланувчи ва гумонланувчи суд мажлисида ярашганликларини, жабрланувчи судга бу ҳақда ариза берганлигини ва аризани ихтиёрий равишда ёзганлигини, гумонланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, айбланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, суд [REDACTED] [REDACTED] га нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисмига кўра, унинг жиноят

содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни лозим деб топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми ва 140-моддаси 1-қисми билан гумонланган [REDACTED] га нисбатан жиноят иши ярашганликлари муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим устидан 10 сутка муддат ичида ушбу туман суди орқали жиноят ишлар бўйича Тошкент вилоят судига хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Ж.Саидов

ажрим нусхаси аслига тўғри: